O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ

2020 yil “ 10 ” январь Қ-13 sonli

Вилоятда давлат мулкларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш ҳамда давлат мулкидан 2020 йилда фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам миқдорларини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1752/03-13-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1752/03-13-сонли хати билан берилган давлат кўчмас мулкидан 2020 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда давлат кўчмас мулкидан 2020 йилда фойдаланганлик учун:

ижара тўловининг энг кам ставкалари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган ҳудудий зоналар бўйича коэффициент 3-иловага мувофиқ;

давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар ва ижара тўловларини ҳисоблаш тартиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Термиз шаҳар ва туман ҳокимликларига:

давлат мулки бўлган бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган бино-иншоотларни аниқлаш, рўйхатини юритиш ва улар ҳақида ҳар чорак якунида Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармасига маълумот бериб бориш;

давлат мулки бўлган бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган бино-иншоотларни тасдиқланган ижара тўловининг энг кам миқдордаги ставкалари бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (С.Ҳолиқов) билан ҳамкорликда ижарага берилишини таъминлаш юклатилсин.

4. Давлат мулкини балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари:

йил чорагида камида бир марта ўзининг тасарруфида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказишга;

фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларнинг вилоят "Давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонасига ўз вақтида ҳамда тўлиқ тақдим этишга;

ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланиш қиймати тўғрисидаги тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигига шахсан жавобгардирлар.

5. Белгилансинки, давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сонини атайлаб нотўғри қайд этиш натижасида ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, фойдаланганлик даври учун ижара тўловини икки баробар миқдорида белгиланган тартибда балансда сақловчидан ундирилиши ва ундирилган сумманинг 50 (эллик) фоизи тегишли жамғармага, 50 (эллик) фоизи вилоят "Давлат мулкини ижарага бериш маркази" ДУК ихтиёрига ўтказилади.

6. Вилоят ҳудудида 2020 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгилансин.

7. "Сурхон тонги" ва "Заря Сурхана" газеталари бирлашган таҳририяти (С.Норқобилов)га мазкур қарорни матбуотда эълон қилиш ҳамда вилоятда фойдаланилмасдан бўш турган давлат объектларини ижарага бериш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор қабул қилинганлиги муносабати билан вилоят ҳокимининг 2018 йил 29 декабрдаги Қ-905-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Т.Боболов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI HOKIMLIGI DEVONXONA

Вилоят ҳокимининг 2020 йил
“10” январдаги 13-сонли қарорига
1-илова

2020 йил давомида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг энг кам миқдордаги ставкалари (вилоят маркази Термиз шаҳри учун)

(умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв.м учун)

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
Саноат		
1.	Ёқилғи саноати	7 560
2.	Кимё саноати	7 560
3.	Нефткимё саноати	7 560
4.	Машинасозлик	7 560
5.	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	7 560
6.	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	7 560
7.	Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	6 210
8.	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	6 210
9.	Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар ишлаб чиқариш машинасозлиги	6 210
10.	Санитар-техник ва газ ускуналари хамда буюмлари ишлаб чиқариш	7 560
11.	Металл конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқариш саноати (токарлик хизмати)	7 560
12.	Машина ва ускуналарини таъмирлаш	7 560
13.	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	7 560
Ўрмон хўжалиги, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати		
14.	Ёғоч тайёрлов саноати (лесозаготовительная)	7 560
15.	Ёғочни қайта ишлаш саноати	7 560
16.	Целлюлоза-қоғоз саноати	7 560
17.	Мебель, эшик ва ром ишлаб чиқариш (ёғочдан)	22 680
18.	Қурилиш материаллари саноати	7 560
Енгил саноат		
19.	Тўқимачилик саноати	7 560
20.	Тикувчилик саноати	7 560
21.	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	7 560

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
22.	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	7 560
	Озиқ – овқат саноати	
23.	Ширин озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	7 560
24.	Гўшт ва сут саноати	7 560
25.	Балиқчилик саноати	7 560
26.	Ун-ёрма ишлаб чиқариш саноти	7 560
27.	Комбикорм ишлаб чиқариш саноати	6 210
28.	Озиқ-овқатнинг бошқа тармоқлари	7 560
	Саноатнинг бошқа соҳалари	
29.	Медицина саноати	7 560
30.	Полиграфия саноати	21 195
31.	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш ювиш ва уларга ишлов бериш	9 180
32.	Саноатнинг хўжалик ишлари бошқаруви	21 195
	Қишлоқ хўжалиги	
33.	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхоналар) 1 га	3 023 460
34.	Чорвачилик ва товуқчилик	3 645
35.	Балиқчилик (ш.ж. питомниклар) 1га	3 023 460
36.	Асаларичилик 1 га	1 965 600
37.	Ветеринария хизмати	7 560
38.	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	7 560
39.	Ўрмон хўжалиги (ш.ж. боғлар) 1 га	3 023 460
	Транспорт ва алоқа	
40.	Умумий фойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти	7 560
41.	Транспорт инфраструктураси (автопарк ва таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гараж)	7 560
42.	Транспорт инфраструктураси (жарима майдончалари)	1 890
43.	Автомобил ювиш шаҳобчалари	24 300
44.	Автомобилларга ёқилғи қўйиш шаҳобчалари	24 300
45.	Аҳоли буюртмаси бўйича юк ташиш ва бошқа транспорт -экспедиция хизматлари кўрсатиш	13 635
46.	Почта алоқаси	7 560
47.	Курьерлик хизмати	15 120
48.	Электро-провод алоқаси (симли электр алокаси)	15 120

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
49.	Электр–радио, уяли алоқа ва пейджинг алоқаси (антенна-курилмаларини маҳкамлаш учун ўрнатиладиган мослама-тортқич қозиқларнинг умумий периметри бўйича ҳисобланади, шу жумладан иншоотлар ва технологик худудлар)	63 585
Қурилиш		
50.	Қурилиш	7 560
51.	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	7 560
52.	Пластик дераза ва эшик ишлаб чиқариш	37 950
Савдо ва умумий овқатланиш		
53.	Улгуржи савдо	21 195
54.	Товар (хизмат)ларни партиялар ҳолида сотиш фаолияти билан шуғулланувчи улгуржи бозорлар	54 405
55.	Чакана савдо	21 195
56.	Умумий овқатланиш	21 195
57.	Ярим тайёр озик-овкат маҳсулотлар тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	33 210
58.	Китоб дўконлари	2 970
59.	Маданий-маиший хизмати жиҳозлари ва хўжалик юритувидаги буюмларини прокатга бериш	21 195
60.	Халқ истеъмол моллари олиб-сотишда воситачилик хизмати	33 210
61.	Моддий -техника таъминоти ва сотиш	21 195
62.	Ахборот – ҳисоблаш хизматлари кўрсатиш	21 195
63.	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	21 195
64.	Кўчмас мол-мулк операцияси хизмати кўрсатиш	21 195
65.	Реклама, ваколатхона хизмати	21 195
66.	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув масалалари бўйича консультация хизмати	21 195
67.	Ер ости разведкаси ва геологияси, геодезия, гидрометеорология хизматлари	37 800
68.	Таҳририят ва нашриёт	12 150
69.	Металлолом ва чиқинди (утиль)ларни йиғиш бўйича тайёрлов ташкилотлари	12 150
70.	Тураржой -коммунал хўжалиги (УЖМШ объектлари)	12 150
71.	Меҳмонхона хўжалиги	24 165
72.	Умумий ётоқхона (обшежитья)	18 900
73.	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	12 150

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
74.	Сартарошхона, фотосалон, модалар уйи, пойафзал таъмирлаш	18 225
75.	Ломбардлар	27 405
76.	Ҳаммом	36 450
77.	Сауна ва бассейнлар	72 630
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот		
78.	Соғлиқни сақлаш	15 120
79.	Дам олиш ва сайёҳлик	15 120
80.	Фитобар	10 530
81.	Маданий дам олиш марказлари (биллярдь, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	24 165
82.	Жисмоний тарбия ва спорт	7 560
83.	Дорихона муассасалари	12 150
84.	Оптика ва тиббиёт анжомларини сотиш магазинлари	21 735
85.	Ижтимоий дорихона муассасалари	9200
Таълим		
86.	Олий ва ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш (шунингдек ўқув курслари)	12 150
87.	Ишчиларни ва бошка ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	9 450
88.	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	6 210
89.	Ўқув таълим муассасаларида умумий овқатланишни ташкил этиш	7 560
90.	Мактабгача тарбия (нодавлат умумтаълим муассасалари учун)	5 400
91.	Маданият ва санъат	21 195
92.	Кўргазма	16 335
93.	Мактабдан ташқари тарбия	6 210
94.	Маданият ва истироҳат боғлари	15 120
95.	Ботаника боғлари ва зоопарклар	15 120
96.	Телевидения ва радио эшиттириш редакциялари	15 120
97.	Киностудия ва овоз ёзиш студиялари	24 165
98.	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	9 180
99.	Автомактаблар	13 500
Молия-кредит фаолиятлари		
100.	Молия, кредит (суғурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари) ва нафака (пенсия) таъминоти	21 195

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
101.	Аудиторлик фаолияти	21 195
102.	Банк фаолияти	21 195
	Бошқа фаолият турлари	
103.	Суғурта	21 195
104.	Суд ва юридик хизматлар	18 225
105.	Адвокатлар хайъати ва адвокатлик ҳуқуқий консультация хизмати	18 225
106.	Жамоат бирлашмалари	6 210
107.	Омборхоналар	21 195
108.	Давлат корхоналари учун мулкдан офис мақсадида фойдаланиш	9 180
109.	Хусусий корхоналари учун мулкдан офис мақсадида фойдаланиш	33 210
110.	Архив хизмати	9 180
111.	Енгил автотранспорт ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (ш.ж. вулканизация)	24 165
112.	Лабораториялар	15 120
113.	Хизмат кўрсатишнинг хар хил турлари учун тўловларни амалга ошириш (пайнет)	60 750
114.	Маданий мерос объектларидаги бино ва иншоотларда савдо ташкил қилиш	33 210
115.	Маданий мерос объектларидаги бино ва иншоотларда умумий овқатланишни ташкил қилиш	29 025
116.	Авиакассалар (ш.ж. темир йўл, транспорт ва бошқалар)	33 210
117.	Банкоматлар	302 940
118.	Нон-булочка (кондитерлик маҳсулотлари, тортлар, пирожнийлар ва бошқалар) маҳсулотлари тайёрлаш	18 055

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сонли йиғилиш баённомасининг 11-бандига асосан қишлоқ жойлардаги ҚВП қошида ташкил этилган барча мулкчилик шаклидаги дорихона муассасаларига ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига асосан кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг савдо бошқармалари таркибида бўлган ёпиқ ҳарбий шаҳарларда ва узоқ бўлган гарнизонлардаги бўлинмаларига нисбатан ноль ставкада қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 октябрдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар

тўғрисида”ги 834-сонли қарорига асосан кластерлар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш майдонлари, фойдаланилмаётган, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашларининг илтимосига кўра 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатга ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари давлат қўмитасининг таклифига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғи асосида, 2018 йилдан Олимпиада ўйинлари ғолиби ва совриндорларига давлат мулкидан фойдаланганлик учун ҳамда аҳоли зич жойлашган ер участкалари ҳудудларида спорт фаолиятни сақлаб қолиш шарти билан фойдаланганда ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланилади.

* Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек алоҳида ажратилган майдонларда (асфальтланган ёки бетонлаштирилган ҳудудларда) радио, уяли ва пейджинг алоқа антеналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари бино ва иншоотларга ўрнатилган антеналар учун белгиланган ижара ставкалари тортқич қозиқларининг умумий параметри бўйича, иншоот ва техник ҳудудлари қўшилган ҳолда туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти қўлланилган ҳолда ҳисобланади. Бунда, қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ) қўлланилмайди.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги 609-20-сонли топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги томонидан бериладиган вазирликнинг ўз фаолиятини хўжалик юритишнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципи асосида амалга оширадиган давлат унитар корхоналари ҳамда бошқа бўлимлари томонидан ижара шартномаси асосида вақтинчалик фойдаланадиган бино, иншоот, асбоб-ускуналар, мебель ва бошқа мулкларга нисбатан ижара ҳақининг “ноль” ставкаси қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4329-сонли қарорига асосан давлат кўчмас мулкидан телекоммуникация объектлари ўрнатиш учун фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширувчи коэффициентларни қўлламаган ҳолда, “симли электр алоқаси”идан фойдаланиш мақсади бўйича стакага тенг миқдорда қўлланилади.

Вилоят хокимининг 2020 йил
“10” январдаги 07-13-сонли қарорига
2-илова

2020 йил давомида давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг энг кам миқдордаги ставкалари (вилоятнинг барча туманлари учун)

(умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв.м учун)

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
Саноат		
1.	Ёқилғи саноати	6 125
2.	Кимё саноати	6 125
3.	Нефткимё саноати	6 125
4.	Машинасозлик	6 125
5.	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	6 125
6.	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	6 125
7.	Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	5 000
8.	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	5 000
9.	Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар ишлаб чиқариш машинасозлиги	5 000
10.	Санитар-техник, газ ускуналари хамда буюмлари ишлаб чиқариш	6 125
11.	Металл конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқариш саноати (токарлик хизмати)	6 125
12.	Машина ва ускуналарини таъмирлаш	6 125
13.	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	6 125
Ўрмон хўжалиги, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати		
14.	Ёғоч тайёрлов (лесозаготовительная саноати)	6 125
15.	Ёғочни қайта ишлаш саноати	6 125
16.	Целлюлоза-қоғоз саноати	6 125
17.	Қурилиш материаллари саноати	6 125
Енгил саноат		
18.	Тўқимачилик саноати	6 125
19.	Тикувчилик саноати	6 125
20.	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	6 125
21.	Мебель, дераза ва ромлар ишлаб чиқариш (ёғочдан)	18 500
22.	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	6 125

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
	Озиқ – овқат саноати	
23.	Ширин озиқ-овқат саноати (балиқ.гўшт,ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	6 125
24.	Гўшт ва сут саноати	6 125
25.	Балиқчилик саноати	6 125
26.	Ун –ёрма ишлаб чиқариш саноти	6 125
27.	Комбикорм ишлаб чиқариш саноати	5 000
28.	Озиқ-овқатнинг бошқа тармоқлари	6 125
	Саноатнинг бошқа соҳалари	
29.	Медицина саноати	6 125
30.	Полиграфия саноати	17 375
31.	Кийим-кечак, ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш ювиш ва уларга ишлов бериш	7 375
32.	Саноатнинг хўжалик ишлари бошқаруви	17 375
	Қишлоқ хўжалиги	
33.	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхоналар) 1 га	2 469 000
34.	Чорвачилик ва товуқчилик	3 000
35.	Балиқчилик (ш.ж. питомниклар) 1га	2 469 000
36.	Асаларичилик 1 га	1 605 000
37.	Ветеринария хизмати	6 125
38.	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	6 125
39.	Ўрмон хўжалиги (ш.ж. боғлар) 1 га	2 469 000
	Транспорт ва алоқа	
40.	Умумий фойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти	6 125
41.	Транспорт инфраструктураси (автопарк ва таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гараж)	6 125
42.	Транспорт инфраструктураси (жарима майдончалари)	1 625
43.	Автомобил ювиш шаҳобчалари	17 500
44.	Автомобилларга ёқилғи қўйиш шаҳобчалари	22 500
45.	Аҳоли буюртмаси бўйича юк ташиш ва бошқа транспорт - экспедиция хизматлари кўрсатиш	11 250
46.	Почта алоқаси	6 125
47.	Курьерлик хизмати	12 250
48.	Электро-провод алоқаси (симли электр алокаси)	12 250
49.	Электр–радио, уяли алоқа ва пейджинг алоқаси (антенна-қурилмаларини маҳкамлаш учун ўрнатиладиган мослама-тортқич қозиқларнинг умумий периметри бўйича	51 875

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
	ҳисобланади, шу жумладан иншоотлар ва технологик худудлар)	
Қурилиш		
50.	Қурилиш	6 125
51.	Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари	6 125
52.	Пластик дераза ва эшик ишлаб чиқариш	29 160
Савдо ва умумий овқатланиш		
53.	Улгуржи савдо	17 375
54.	Товар(хизмат)ларни партиялар ҳолида сотиш фаолияти билан шуғулланувчи улгуржи бозорлар	44 375
55.	Чакана савдо	17 375
56.	Умумий овқатланиш	17 375
57.	Ярим тайёр озик-овкат маҳсулотлар тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	25 000
58.	Китоб дўконлари	2 500
59.	Маданий-маиший хизмати жиҳозлари ва хўжалик юритувидаги буюмларини прокатга бериш	17 375
60.	Халқ истеъмол моллари олиб-сотишда воситачилик хизмати	27 125
61.	Моддий -техника таъминоти ва сотиш	17 375
62.	Ахборот – ҳисоблаш хизматлари кўрсатиш	17 375
63.	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	17 375
64.	Кўчмас мол-мулк операцияси хизмати кўрсатиш	17 375
65.	Реклама, ваколатхона хизмати	17 375
66.	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув масалалари бўйича консультация хизмати	17 375
67.	Ер ости разведкаси ва геологияси, геодезия, гидрометеорология хизматлари	30 750
68.	Таҳририят ва нашриёт	9 875
69.	Металлолом ва чиқинди (утиль) ларни йиғиш бўйича тайёрлов ташкилотлари	9 875
70.	Тураржой коммунал хўжалиги (УЖМШ объектлари)	9 875
71.	Меҳмонхона хўжалиги	19 750
72.	Умумий ётоқхона (обшежитья)	15 000
73.	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	9 875
74.	Сартарошхона, фотосалон, модалар уйи, пойафзал таъмирлаш	15 000

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
75.	Ломбардлар	22 375
76.	Ҳаммом	29 750
77.	Сауна ва бассейнлар	59 375
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот		
78.	Соғлиқни сақлаш	12 250
79.	Дам олиш ва сайёҳлик	12 250
80.	Фитобар	8 500
81.	Маданий дам олиш марказлари (биллярдь, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	19 750
82.	Жисмоний тарбия ва спорт	6 125
83.	Дорихона муассасалари	9 875
84.	Оптика ва тиббиёт анжомларини сотиш магазинлари	15 660
85.	Ижтимоий дорихона муасасасалари	7992
Таълим		
86.	Олий ва ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш (шунингдек ўқув курслари)	9 875
87.	Ишчиларни ва бошка ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	8 125
88.	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	5 000
89.	Ўқув таълим муассасаларида умумий овқатланишни ташкил этиш	6 125
90.	Мактабгача тарбия (нодавлат умумтаълим муассасалари учун)	4 625
91.	Маданият ва санъат	17 375
92.	Кўргазма	14 000
93.	Мактабдан ташқари тарбия	5 000
94.	Маданият ва истироҳат боғлари	12 250
95.	Ботаника боғлари ва зоопарклар	12 250
96.	Телевидения ва радио эшиттириш редакциялари	12 250
97.	Киностудия ва овоз ёзиш студиялари	19 750
98.	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	7 375
99.	Автомактаблар	8 750
Молия-кредит фаолиятлари		
100.	Молия, кредит (сугурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари) ва нафака (пенсия) таъминоти	17 375
101.	Аудиторлик фаолияти	16 250

Т/р	Ижарага бериладиган майдоннинг амалга ошириладиган фаолият турлари	Йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм 2020 йил учун
102.	Банк фаолияти	17 375
Бошқа фаолият турлари		
103.	Суғурта	17 375
104.	Суд ва юридик хизматлар	15 000
105.	Адвокатлар хайъати ва адвокатлик ҳуқуқий консультация хизмати	15 000
106.	Жамоат бирлашмалари	4 875
107.	Омборхоналар	17 375
108.	Давлат корхоналари учун мулкдан офис мақсадида фойдаланиш	7 375
109.	Хусусий корхоналари учун мулкдан офис мақсадида фойдаланиш	27 125
110.	Архив хизмати	6 250
111.	Енгил автотранспорт ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (ш.ж. вулканизация)	19 750
112.	Лабораториялар	12 250
113.	Хизмат кўрсатишнинг хар хил турлари учун тўловларни амалга ошириш (пайнет)	49 500
114.	Маданий мерос объектларидаги бино ва иншоотларда савдо ташкил қилиш	27 125
115.	Маданий мерос объектларидаги бино ва иншоотларда умумий овқатланишни ташкил қилиш	23 750
116.	Авиакассалар (ш.ж. темир йўл, транспорт ва бошқалар)	27 125
117.	Банкоматлар	247 375
118.	Нон-булочка (кондитерлик махсулотлари, тортлар, пирожнийлар ва бошқалар) маҳсулотлари тайёрлаш	15 012

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сонли йиғилиш баённомасининг 11-бандига асосан қишлоқ жойлардаги ҚВП қошида ташкил этилган барча мулкчилик шаклидаги дорихона муассасаларига ижара тўловининг ноль ставкаси қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига асосан кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг савдо бошқармалари таркибида бўлган ёпиқ ҳарбий шаҳарларда ва узоқ бўлган гарнизонлардаги бўлинмаларига нисбатан ноль ставкада қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 октябрдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 834-сонли қарорига асосан кластерлар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш майдонлари, фойдаланилмаётган, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари

ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашларининг илтимосига кўра 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатга ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари давлат қўмитасининг таклифига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғи асосида, 2018 йилдан Олимпиада ўйинлари ғолиби ва совриндорларига давлат мулкидан фойдаланганлик учун ҳамда аҳоли зич жойлашган ер участкалари ҳудудларида спорт фаолиятни сақлаб қолиш шарти билан фойдаланганда ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

* Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек алоҳида ажратилган майдонларда (асфальтланган ёки бетонлаштирилган ҳудудларда) радио, уяли ва пейджинг алоқа антеналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари бино ва иншоотларга ўрнатилган антеналар учун белгиланган ижара ставкалари тортқич қозиқларининг умумий параметри бўйича, иншоот ва техник ҳудудлари қўшилган ҳолда туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти қўлланилган ҳолда ҳисобланади. Бунда, қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ) қўлланилмайди.

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги 609-20-сонли топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги томонидан бериладиган вазирликнинг ўз фаолиятини хўжалик юритишнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципи асосида амалга оширадиган давлат унитар корхоналари ҳамда бошқа бўлимлари томонидан ижара шартномаси асосида вақтинчалик фойдаланадиган бино, иншоот, асбоб-ускуналар, мебель ва бошқа мулкларга нисбатан ижара ҳақининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4329-сонли карорига асосан давлат кўчмас мулкидан телекоммуникация объектлари ўрнатиш учун фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, оширувчи коэффициентларни қўлламаган ҳолда, "симли электр алоқаси"идан фойдаланиш мақсади бўйича стакага тенг миқдорда қўлланилади.

Вилоят хокимининг 2020 йил
“10” январдаги 6-13-сонли қарорига
3-илова

2020 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг энг кам миқдордаги ставкаларига қўлланиладиган ҳудудий зоналар коэффициентлари (Кз)

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Зоналар	Ҳудудий зоналар коэффициенти
1.	Термиз шаҳар	шаҳар ҳудуди бўйича	2,7
2.	Денов тумани	туман маркази	2,7
		бошқа ҳудудлари	2,4
3.	Жарқўрғон тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
4.	Қумқўрғон тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
5.	Ангор тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
6.	Сариосиё тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
7.	Узун тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
8.	Шерабод тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
9.	Термиз тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
10.	Бойсун тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
11.	Шўрчи тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
12.	Олтинсой тумани	туман маркази	2,2
		бошқа ҳудудлари	1,9
13.	Музрабод тумани	туман маркази	2,4
		бошқа ҳудудлари	2,1
14.	Қизириқ тумани	туман маркази	2,2
		бошқа ҳудудлари	1,9

Вилоят хокимининг 2020 йил
“10” январдаги 5/13-сонли қарорига
4-илова

2020 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловининг энг кам миқдордаги ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар ва ижара тўловларини ҳисоблаш тартиби

А. Кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара тўловини ҳисоблаш тартиби:

Кўчмас мулкларнинг ҳолати ва қурилиш турига қараб қўлланиладиган коэффициентлар:

1. Қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кк)

1.1. Қурилиш тури бўйича коэффициент **$К_к$**

- алоҳида турган бино - 1,6
- бинонинг ички қисмидаги хоналар ва тақаб қурилган - 1,2
- бинонинг устки қисми, чердак - 0,9
- ярим ертўла, ертўла - 0,6
- бетонлаштирилган (асфальтланган) иншоотлар - 1,6
- технологик худудлар (майдон)да ва бетонланган майдонга ўрнатилган уяли алоқа антенналари учун - 0,0

1.2. Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти $К_х$

- ер майдони ва бинонинг ички ўтиш йўлаклари мавжуд бўлганда - 0,7
- технологик ҳудудлар (майдон)да ва бетонланган майдонга ўрнатилган уяли алоқа антенналари учун - 0,2
- бинонинг ички қисми (бино ичидаги хоналар) ва бинонинг устки қисми учун (уяли алоқа антенналари учун) - 0,0

1.3. Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти $К_о$

- асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда - 1,2
- иккинчи даражали автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда - 1,0
- радио, уяли алоқа ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатилганда -1,1

Бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$Т_с=Э_с{}^{х}К_з{}^{х}(К_к+К_х+К_о)$$

Бунда:

$Т_с$ - бир йилга бир кв.м учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

$Э_с$ - 1-иловага мувофиқ фаолият турига кўра бир йилга бир кв.м учун ижара тўловининг энг кам ставкаси;

Кз - ҳудудий зоналар коэффициенти;

Кқ - қурилиш тури бўйича коэффициенти;

Кҳ - туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти;

Ко - тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти;

Б. Асосий воситаларга ижара тўловларини ҳисоблаш тартиби

Ижара тўловини ҳисоблаш қуйидагича тартибда амалга оширилади:

Кб х Ск х Ок

Асосий воситаларга нисбатан қўлланиладиган коэффициентлар:

Кб - Қайта баҳолангандан кейинги қиймати

Ск - 0,30 - Соҳа коэффициенти

Ок - Ошириш коэффициенти

Асосий воситаларнинг ҳолатидан катъий назар – 1,4 ошириш коэффициентлари қўлланилади.

В. Автотранспорт воситаларга ижара тўловларини ҳисоблаш тартиби

Ижара тўловини ҳисоблаш қуйидагича тартибда амалга оширилади:

Кб х Ск х Ок

Автотранспорт воситаларига нисбатан қўлланиладиган коэффициентлар:

Кб - Қайта баҳолангандан кейинги қиймати

Ск - 0,30 - Соҳа коэффициенти

Ок - Ошириш коэффициенти

Автотранспорт воситасининг ҳолатидан катъий назар – 1,3 ошириш коэффициентлари қўлланилади.

Қўшимча изоҳ:

Ижарага олинган давлат мулкларидан фойдаланиш ҳамда ижара тўлови суммаларини белгилаш тартиби, бажариладиган қўшимча ҳаражатлар, коммунал тўловларини ва ер солиқларини тўлаш, ижарага олинган давлат мулкларини капитал таъмирлаш, қўшимчалар қилиш ишлари учун сарфланган ҳаражатларни тўлаш тартиблари қуйидагича:

а) бино-иншоот ҳамда асосий воситалар ва автотранспорт воситаларини капитал таъмирлаш, қўшимчалар киритиш ишларини бажариш учун сарфланган маблағлар тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Баланс сақловчи”га тақдим этилганда ва томонларни розилиги билан, ушбу сарфланган маблағлар суммаси ижара шартномаси бўйича “Баланс сақловчи”га тўланиши лозим бўлган ижара тўлови суммасидан чегириб қолиниши мумкин. Ижара вақтида олинган маҳсулот ва фойда “Ижарага олувчи” нинг мулки ҳисобланади;

б) белгиланган ижара тўлови суммасига ер солиғи, коммунал ҳаражатлар (ва бошқа турдаги хизматлар) киритилмаган бўлиб, ушбу ҳаражатлар бўйича “Ижарага олувчи” ва “Баланс сақловчи” (мулк эгаси) ўртасида асосий ижара шартномасига қўшимча алоҳида шартнома тузилади ва ушбу шартнома бўйича “Ижарага олувчи” мазкур ҳаражатларни тўлаш мажбуриятини олади;

в) Олий ўқув юртлари, коллежлар, академик лицейлар, ўрта таълим мактабларнинг ичкарисида жойлашган талаба ва ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи ошхона, буфет ва бошқа савдо, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ижарага олган ижарачилар ёзги таътил даврида (йилнинг июнь, июль ва август ойлари) ижара тўлови тўлашдан озод қилинади.

г) Ўқитишга ихтисослашган нодавлат ҳарбий мактаблар, автомобил мактаблари учун ушбу нодавлат мактаб талаба ва ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи ўқув хоналари, ошхона, буфет ва бошқа савдо, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига ижара тўлови ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида (йилнинг июнь, июль ва август ойлари) ҳисобланмайди.